

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUGI**501 Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397

(2012 йил 2 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон «Гербли гувоҳнома-лар шаклларини ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 193-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қўйидагилар:

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг шакли 1-иловага мувофиқ;

Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг шакли 2-иловага мувофиқ;

Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг шакли 3-иловага мувофиқ;

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг шакли 4-иловага мувофиқ;

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шаклларини тўлдириш қоидалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ҳамда Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари раҳбарлари 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида белгиланган графиклар асосида ФХДЁ органлари ходимлари ва фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан лотин ёзуви

асосланган ўзбек алифбосини мукаммал ўрганиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 октябрдаги 229-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2018, 2009 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 455-модда) ва 2011 йил 19 октябрдаги 242-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2018-1, 2011 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 458-модда) буйруқлари 2013 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Қ. Тоғаев зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 октябрь,
234-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги
234-мҲ-сон буйруғига
1-ИЛОВА

501-модда

FHDYo organi shtampi **Tug'ilganlik haqidagi dalolatnoma yozuvi №** _____ «_____» _____ у.
Штамп органа ЗАГС **Запись акта о рождении №** _____ **от** _____ г.

1. Familiyasi: Фамилия		
2. Ismi: Имя		
3. Otasining ismi: Отчество		
4. Jinsi: erkak — 1 ayol — 2 noma'lum — 3 Пол: мужской женский неизвестный		5. Tug'ilgan sanasi va vaqti, vazni va bo'yi: Дата и время рождения, вес и рост: «_____» _____ у. _____ soat _____ daqiq г. часоv минут vazni _____ gramm bo'yi _____ santimetr вес грамм рост сантиметров
6. Tug'ilgan joyi: Место рождения		davlat государство viloyat, shahar область, город tuman, shahar район, город shaharcha, qishloq, ovul поселок, кишлак, аул
Doimiy ro'xatga qo'yiladigan joyi: Место постоянной прописки		davlat государство viloyat, shahar область, город tuman, shahar район, город shaharcha, qishloq, ovul поселок, кишлак, аул
7. Nechta bola tug'ildi: _____ Сколько детей родилось	8. Tirik — 1, O'lik — 2. Живой Мертвый	9. Onaning nechanchi bolasi: _____ Который по счету ребенок матери
10. Tibbiy ma'lumotnoma _____ «_____» _____ у. Медицинская справка г.		

(kim tomonidan berilgan) (кем выдана)

— 100 —

43 (543)-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

	Otasi Отец	Onasi Мать
11. Familiyasi Фамилия		
12. Ismi Имя		
13. Otasining ismi Отчество		
14. Tugʻilgan sanasi Дата рождения	« _ _ » _ _ _ _ _ _ у. г.	« _ _ » _ _ _ _ _ _ у. г.
15. Millati Национальность		
16. Fuqaroligi Гражданство		
17. Doimiy yashash joyi: Место постоянной прописки davlat государство		
viloyat, shahar область, город		
tuman, shahar район, город		
shaharcha, qishloq, ovul поселок, кишлак, аул	ko'cha _ _ _ _ _ уй _ _ _ _ _ xonadon улица дом квартира	ko'cha _ _ _ _ _ уй _ _ _ _ _ xonadon улица дом квартира
18. Qayerda va kim bo'lib ishlaydi Где и кем работает		
19. Ma'lumoti: Образование	oliy — 1 высшее to'liqsiz oliy — 2 неполное высшее o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 среднее специальное, профессиональное	umumiy o'rta — 4 общее среднее to'liqsiz o'rta — 5 неполное среднее ma'lumotsiz — 6 без образования
		oliy — 1 высшее to'liqsiz oliy — 2 неполное высшее o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 среднее специальное, профессиональное
		umumiy o'rta — 4 общее среднее to'liqsiz o'rta — 5 неполное среднее ma'lumotsiz — 6 без образования

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги
234-мҳ-сон буйруғига
2-ИЛЮВА

FHDYo organi shtampi **Nikoh tuzilganligi haqidagi dalolatnoma yozuvi №** | | | | | | | | «| | | | |» _____ | | | | | | | | у.
Штамп органа ЗАГС **Запись акта о заключении брака** № _____ от _____ г.

	Er Муж	Xotin Жена
1. Nikohgacha familiyasi Фамилия до заключения брака		
Nikohdan keyingi familiyasi Фамилия после заключения брака		
2. Ismi Имя		
3. Otasining ismi Отчество		
4. Tug'ilgan sanasi Дата рождения	« » у. г.	« » у. г.
5. Yoshi Возраст	« » yoshga to'lgan. достигший возраста	« » yoshga to'lgan. достигшая возраста
6. Tug'ilgan joyi: Место рождения davlat государство		
viloyat, shahar область, город		
tuman, shahar район, город		
shaharcha, qishloq, ovul поселок, кишлак, аул		
7. Millati Национальность		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

43 (543)-сон

— 103 —

501-модда

8. Fuqaroligi Гражданство						
9. Qayerda va kim bo'lib ishlaydi Где и кем работает						
10. Ma'lumoti Образование	oliy — 1 высшее	umumiy o'rta — 4 общее среднее	oliy — 1 высшее	umumiy o'rta — 4 общее среднее		
	to'liqsiz oliy — 2 неполное высшее	to'liqsiz o'rta — 5 неполное среднее	to'liqsiz oliy — 2 неполное высшее	to'liqsiz o'rta — 5 неполное среднее		
	o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 среднее специальное, профессиональное	ma'lumotsiz — 6 без образования	o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 среднее специальное, профессиональное	ma'lumotsiz — 6 без образования		
11. Oilaviy ahvoli: Семейное положение	nikohda bo'lmagan — 1, в браке не состоял	tul — 2, вдовец	ajrashgan — 3 разведенный	nikohda bo'lmagan — 1, в браке не состоял	tul — 2, вдовец	ajrashgan — 3 разведенный
12. Umumiy farzandlar to'g'risida ma'lumot: _____ Сведения об общих детях						
		Er Муж	Xotin Жена			
13. Doimiy yashash joyi: Постоянное место жительства davlat государство						
viloyat, shahar область, город						
tuman, shahar район, город						
shaharcha, qishloq, ovul поселок, кишлак, аул						
Manzil Адрес	ko'chasi uy улица дом	xonadon квартира	ko'chasi uy улица дом	xonadon квартира		

<p>14. Taqdim etilgan hujjatlar (shaxsni tasdiqlovchi hujjatlar: seriyasi, raqami, qachon va kim tomonidan berilgan) Представленные документы (документы, удостоверяющие личность: серия, номер, когда и кем выданы)</p>	<p>_____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>	<p>_____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>
<p>15. O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksining 16-moddasi bilan tanishtirildik. Nikoh tuzishimizga monelik qiladigan holatlar yo'q. Nikoh tuzish tartibi va shartlari bilan tanishimiz. Nikoh tuzishga monelik qiladigan holatlarni yashirganligimiz uchun javobgarlik haqida ogohlantirildik. Bir-birimizning sog'lig'imiz va oilaviy ahvolimiz to'g'risida ma'lumotga egamiz. Bizga kelajakda er-xotin va ota-ona sifatida huquq va burchlarimiz tushuntirildi. Nikoh tuzishga o'zaro roziligimizni bildiramiz. Мы ознакомлены статьей 16 Семейного кодекса Республики Узбекистан. Отсутствуют обстоятельства, препятствующие заключению брака. Ознакомились с порядком и условиями заключения брака. Мы предупреждены об ответственности за сокрытие обстоятельств, препятствующих заключению брака. Мы владеем информацией о здоровье и семейном положении друг друга. Нам разъяснены наши права и обязанности в качестве будущих супругов и родителей. Заявляем о взаимном согласии на заключение брака.</p>		
<p>16. Nikohga kiruvchilarning nikohgacha familiyasi va imzosi Фамилия и подпись лиц, вступающих в брак, до заключения брака</p>	<p>_____ (familiya) (фамилия) _____ (imzo) (подпись)</p>	<p>_____ (familiya) (фамилия) _____ (imzo) (подпись)</p>
<p>17. Guvohlarning familiyasi va imzosi Фамилия и подпись свидетелей</p>	<p>_____ (familiya) (фамилия) _____ (imzo) (подпись)</p>	<p>_____ (familiya) (фамилия) _____ (imzo) (подпись)</p>
<p>18. Berilgan guvoohnoma seriyasi № _____ Серия выданного свидетельства № _____</p>		
<p>19. Belgilar uchun _____ Для отметки _____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>		

Muhr o'rnini

Место печати

Mudir
(imzo, familiya)

Заведующий (ая)
(подпись, фамилия)

Inspektor
(imzo, familiya)

Инспектор
(подпись, фамилия)

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги
234-мҲ-сон буйруғига
3-ИЛОВА

FHDYo organi shtampi **Nikohdan ajralganlik haqidagi dalolatnoma yozuvi №** _____ «|_|_|» _____ |_|_|_|_|_| у.
Штамп органа ЗАГС **Запись акта о расторжении брака №** _____ **от** _____ г.

	Er Муж	Xotin Жена
1. Nikohdan ajralgunga qadar familiyasi Фамилия до расторжения брака		
Nikohdan ajralgandan keyingi familiyasi Фамилия после расторжения брака		
2. Ismi Имя		
3. Otasining ismi Отчество		
4. Tug'ilgan sanasi Дата рождения	« _ _ » _ _ _ _ _ _ _ у. г.	« _ _ » _ _ _ _ _ _ _ у. г.
5. Yoshi Возраст	« _ _ » yoshda год (лет)	« _ _ » yoshda год (лет)
6. Millati Национальность		
7. Fuqaroligi Гражданство		
8. Doimiy yashash joyi: Постоянное место жительства davlat государство		
viloyat, shahar область, город		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

501-модда

— 106 —

43 (543)-сон

tuman, shahar район, город						
shaharcha, qishloq, ovul поселок, кишлак, аул						
manzil адрес	ko'chasi уй улица дом	xonadon квартира	ko'chasi уй улица дом	xonadon квартира		
9. Qayerda va kim bo'lib ishlaydi Где и кем работает						
10. Ma'lumoti Образование	oliy — 1 высшее	umumiy o'rta — 4 общее среднее	oliy — 1 высшее	umumiy o'rta — 4 общее среднее		
	to'liqsiz oliy — 2 неполное высшее	to'liqsiz o'rta — 5 неполное среднее	to'liqsiz oliy — 2 неполное высшее	to'liqsiz o'rta — 5 неполное среднее		
	o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 среднее специальное, профессиональное	ma'lumotsiz — 6 без образования	o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 среднее специальное, профессиональное	ma'lumotsiz — 6 без образования		
11. Nechanchi nikohi Который брак	birinchi — 1, первый	ikkinchi — 2, второй	uchinchi va undan ortiq — 3 третий и более	birinchi — 1, первый	ikkinchi — 2, второй	uchinchi va undan ortiq — 3 третий и более

12. Ajratilayotgan nikoh № | | | | | «| | | | |» | | | | | у. _____ qayd etilgan.
Расторгающийся брак № _____ от _____ г. зарегистрирован

13. Dalolatnoma yozuvi uchun asos:

Основание для записи акта

a) er-xotinning birgalikda «| | | | |» | | | | | у. № | | | | | arizasi;
совместное заявление супругов от _____ г. № _____

b) _____
(sudning to'liq nomi) (полное наименование суда)

«| | | | |» | | | | | yildagi nikohdan ajratish to'g'risidagi qarori;
от _____ года решение о расторжении брака

d) _____
(sudning to'liq nomi) (полное наименование суда)

«| | | | |» | | | | | yildagi fuqaro _____
от _____ года _____
(familiyasi, ismi va otasining ismi) (фамилия, имя, отчество)

_____ bedarak yo'qolgan yoki muomalaga layoqatsiz deb topish haqidagi qarori;
решение о признании безвестно отсутствующим или недееспособным гражданина (ки)

11*. Yashagan joyi (manzili) va shaxsini tasdiqlovchi ma'lumotlar:
 Место (адрес) жительства и сведения, подтверждающие личность

davlat _____ viloyat, shahar _____ tuman, shahar _____
 государство _____ область, город _____ район, город _____
 shaharcha, qishloq, ovul _____ ko'chasi |_____| uy |_____| xonadon
 поселок, кишлак, аул _____ улица _____ дом _____ квартира _____
 pasport seriyasi |_____| № |_____|
 серия паспорта _____ № _____
 «|_____|» |_____| |_____| у. _____ г. _____
 (qachon va kim tomonidan berilgan) (когда и кем выдано)

tug'ilganlik haqida guvohnoma seriyasi _____ № |_____| d/yo № |_____|
 (16 yoshga to'lmagan fuqarolarning) _____ № _____ з/а № _____
 серия свидетельства о рождении _____
 (для лиц, не достигших 16 летнего возраста)

_____ (qachon va kim tomonidan berilgan) (когда и кем выдано)

Yoshi: _____ yoshda Возраст _____ год (лет)	Bir yoshgacha vafot etgan bola: _____ oy _____ kun Умерший ребенок, не достигший года _____ месяц _____ день	Nechanchi bola: _____ Который по счету ребенок	Onaning yoshi: _____ yoshda Возраст матери _____ год (лет)
--------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------

12.* Oilaviy ahvoli: nikohda bo'lgan — 1 nikohda bo'lmagan — 2 beva (tul) — 3 ajrashgan — 4
 Семейное положение в браке состоял (а) в браке не состоял (а) вдова (вдовец) разведенный (ая)

13. Ish joyi (qayerda va kim bo'lib ishlagan): _____
 Место работы (где и кем работал) _____

14.* Ma'lumoti: oliy — 1 to'liqsiz oliy — 2 o'rta maxsus, kasb-hunar — 3 umumiy o'rta — 4 to'liqsiz o'rta — 5 ma'lumotsiz — 6
 Образование высшее неполное высшее среднее специальное, профессиональное общее среднее неполное среднее без образования

15. O'limni tasdiqlovchi hujjatlar: _____
 Документы, подтверждающие смерть _____ (hujjatning nomi) (название документа)

a) o'lim haqida tibbiy guvohnoma raqami va berilgan sanasi: № |_____| «|_____|» |_____| у.;
 номер и дата выдачи медицинского свидетельства о смерти № _____ от _____ г.
 _____ (hujjatni bergan tibbiyot muassasasi nomi va shifokorning F.I.O.) (наименование медицинского учреждения и Ф.И.О. врача)

b) sudning fuqaroni vafot etgan deb e'lon qilish haqidagi qarori

решение суда о признании безвестно отсутствующим гражданина (ки)

«|_|_|» |_|_|_|_|_|_|_|_| у.

(sudning nomi va qarorning sanasi) (наименование суда и дата решения)

16. Ariza bilan murojaat etgan shaxsning F.I.O, manzili yoki o'lim haqida ariza bergan muassasaning nomi va manzili: _____
Ф.И.О. лица, обратившегося с заявлением, адрес или наименование и адрес учреждения, подавшего заявление о смерти

17. Berilgan guvohnoma seriyasi _____ № |_|_|_|_|_|_|_|_|
Серия выданного свидетельства №

18. Qabristonga va sug'urta kassasiga topshirish uchun ma'lumotnomalarni olganlik to'g'risida belgi _____
Отметка о получении справки для предоставления в кладбище и страховую кассу (imzo) (подпись)

19. Belgilar uchun _____
Для отметки

* Bir yoshgacha bolaning o'limi haqidagi dalolatnoma yozuvining 5, 11, 12, 14-bandlari ona to'g'risidagi ma'lumotlar asosida to'ldiriladi.
Пункты 5, 11, 12, 14 записи акта о смерти ребенка, не достигшего одного года заполняются на основании информации о матери ребенка.

Muhr o'rni

Место печати

Mudir
(imzo, familiya)

Заведующий (ая)
(подпись, фамилия)

Inspektor
(imzo, familiya)

Инспектор
(подпись, фамилия)

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги
234-мх-сон буйруғига
5-ИЛОВА

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдириш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини (бундан кейинги ўринларда далолатнома ёзувлари деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Далолатнома ёзувлари икки нусхада тузилади.

Далолатнома ёзувларининг ҳар бир тури ҳар йилнинг 1 январидан 31 декабригача тартиб билан кетма-кет рақамланади.

2. Далолатнома ёзувлари давлат тилида тушунарли ва чиройли дастхат билан ёки компьютер воситасида латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мувофиқ тўлдирилади. Далолатнома ёзувлари стандарт варақда (А4 форматдаги қоғоз) ҳар бир бет хошияси: юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан ва ўнгдан 3 см бўлиши лозим.

3. Далолатнома ёзувларининг барча устунлари қисқартиришларсиз (умумий қабул қилинганларидан ташқари) ва тўлиқ тўлдирилиши керак. Далолатнома ёзувларини дастхат билан тўлдиришда ҳаво ранг пастали шарикли ручка ишлатилиши лозим.

Далолатнома ёзувлари хатосиз тўлдирилиши керак. Улардаги сўзларни бўйлаб, ўчириш ва чизиш йўли билан тузатиш ман этилади.

4. Далолатнома ёзувлари рақами катакчаларига далолатнома ёзувининг рақами ёзилади. Уни қайд этиш куни, йили рақам билан, оғи эса сўзлар билан тўлдирилади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг (бундан кейинги ўринларда ФХДЁ органи деб юритилади) штамп қўйилади.

5. Далолатнома ёзувларининг «Tug'ilgan joyi», «Doimiy yashash joyi», «O'lgan joyi» устунларидаги «davlat», «viloyat, shahar», «tuman, shahar», «shaharcha, qishloq, ovul» номлари тўлиқ ёзилади.

Масалан: «davlat» устунига O'zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Buyuk Britaniya, Turkiya.

Тегишлилигига қараб «viloyat, shahar», «tuman, shahar» ва «shaharcha, qishloq, ovul» сўзларидан бирининг таги чизилади.

Масалан: Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek «tuman, shahar» ёки Samarqand «viloyat», Kattaqo'rg'on «tuman, shahar», Chimboy «qishloq, ovul».

6. Далолатнома ёзувларидаги «Tug'ilgan sanasi» устуни фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади. Кун, ой ва йил рақам билан ёзилади.

7. Далолатнома ёзувларининг «Millati» устуни шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўлдирилади.

Чет эл фуқароларига нисбатан далолатнома ёзувлари қайд этилаётганда миллатидан ташқари қайси давлат фуқароси эканлиги ҳам кўрсатилади. Миллати ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда фуқаролиги тўғрисидаги маълумот ёзилади.

8. Далолатнома ёзувларининг «Fuqaroligi» устунига қайси давлат фуқаролигига мансублиги кўрсатилади. Шахснинг фуқаролиги бўлмаса, мазкур устунга «fuqaroligi yo'q» деб ёзиб қўйилади.

9. Далолатнома ёзувларининг «Qayerda va kim bo'lib ishlaydi» устунида ташкилотнинг тўлиқ номи ҳамда лавозими кўрсатилади.

Масалан: Moliya vazirligida bo'lim boshlig'i, Toshkent davlat yuridik institutida talaba, yakka tartibdagi tadbirkor ёки uy bekasi.

Ёшга доир пенсияда бўлган шахсларга нисбатан «pensioner», ҳарбий хизматчиларга нисбатан «harbiy xizmatchi» деб ёзиб қўйилади. Ногиронлик пенсиясидаги шахсларга нисбатан «pensioner» деб, қайси гуруҳ ногиронлиги кўрсатилади.

10. Далолатнома ёзувларидаги «Ma'lumoti» устуни ариза берувчининг кўрсатмаси асосида тўлдирилади.

Олий таълим муассасасини тугатган шахслар учун «oliy», олий таълим муассасасида таҳсил олаётган, лекин ўқишни тугатмаган шахслар учун «to'liqsiz oliy», академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини тугатган шахслар учун «o'rta maxsus, kasb-hunar», умумий ўрта таълим муассасасини (I — IX синфлар) тугатган шахслар учун «umumiy o'rta», умумий ўрта таълим муассасасини тугатмаган шахслар учун «to'liqsiz o'rta» ва маълумоти бўлмаган шахслар учун «ma'lumotsiz» сўзларининг таги чизилади.

11. Далолатнома ёзувларидаги «Berilgan guvohnoma» устунига берилган гербли гувоҳноманинг серияси ва рақами ёзилади.

12. Далолатнома ёзувларидаги «Belgilar uchun» устунига такрорий берилган гувоҳноманинг серияси, рақами, берилган кун, ой ва йил ҳамда гувоҳнома берган ФХДЁ органи ходимининг фамилияси ёзилиб, имзоланади.

13. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ёки қўшимчалар киритилганда кун, ой, йил ёзилади ҳамда далолатнома ёзувининг қайси устунларига ва қандай асосга кўра киритилганлиги изоҳланиб, берилган гувоҳноманинг серияси ва рақами кўрсатилади.

Ўзгартириш, тузатиш, қўшимча киритган ФХДЁ органи ходимининг фамилияси ёзилиб, имзоланади ва муҳрланади.

14. Далолатнома ёзуви тўлдирилгандан сўнг ФХДЁ органи мудир ва инспектор томонидан уларнинг фамилиялари ёзилиб, имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

II боб. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг тўлдирилиши

15. 1 — 3-устунларга туғилган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ёзилади.

16. «4. Jinsi» устунда «erkak», «ayol» ёки «nota'lum» сўзларидан бирининг таги тегишлилигига қараб чизилади.

17. «5. Tug'ilgan sanasi, vaqti, vazni va bo'yi» устунда боланинг туғилган куни, ойи, йили, соати ва дақиқаси рақам билан ёзилади, вазни ва бўйи тиббиёт маълумотномаси асосида тўлдирилади.

6-устуннинг «Doimiy ro'uxatga qo'yiladigan joyi» қатори мазкур Қоидаларнинг 5-бандига мувофиқ (ота ёки онанинг оғзаки кўрсатмасига асосан) тўлдирилади.

18. «7. Nechta bola tug'ildi» устунда туғилган боланинг (болаларнинг) сони рақам билан ёзилади. Агар она кўп хомилали бўлса, унда тирик туғилган болаларнинг сони ёзилади.

19. 8-устунда «tirik» ёки «o'lik» сўзларидан бирининг таги чизилади. Биттадан ортиқ туғилган болалардан бири ўлик, қолгани тирик бўлса, ҳар бир болага алоҳида далолатнома ёзуви қайд этилади ва далолатнома ёзуви рақами чизиқча орқали, яъни қуйидаги тартибда кўрсатилади.

Масалан, d/yo № 252 bilan Hasan (tirik), d/yo № 252/253 bilan Husan (o'lik).

20. «9. Onaning nechanchi bolasi» устунда онанинг илгари туғилган болалари ва вафот этган болалари ҳам ҳисобга киритилиб, рақам билан ёзилади. Ўлик туғилганлар ҳисобга киритилмайди. Иккита ёки ундан ортиқ болалар туғилганда далолатнома ёзувлари тартиб билан рўйхатга олинади.

21. «10. Tibbiy ma'lumotnoma» устунига тиббий маълумотноманинг сони, берилган куни, ойи ва йили рақам билан ёзилади.

Тиббий маълумотнома берган тиббиёт муассасасининг номи тўлиқ ёзилади.

Масалан: № 15; 10.03.2007-й., Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tuman 6-sonli akusherlik kompleksi (majmuasi).

22. 11 — 17 ва 20-устунлар қонуний никоҳда турган ота-онадан туғилган бола ота-онасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) ва никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилмаганда, аввалги болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувлари асосида тўлдирилади.

Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ҳолларда, ФХДЁ органи туғилганликни қайд этишни рад қилиши мумкин эмас.

23. Бола ёлғиз (никоҳда бўлмаган) онадан туғилганида ота устунни онанинг кўрсатмасига асосан тўлдирилади.

Агар ота-оналари ўртасида никоҳ қайд этилмаган бўлса (туғилганликни қайд этишда отаси иштирок этмаган тақдирда) боланинг отаси ҳақидаги ёзув онанинг нотариал ёки тиббий муассаса томонидан тасдиқланган аризаси бўйича амалга оширилади.

24. «20. Otasi haqida ma'lumotni yozish uchun asos» устунининг:

«a) nikoh qachon va qayerda qayd etilgan» бандида ота-онанинг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасига асосан никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувининг рақами, қайд этилган куни, ойи ва йили рақам билан ҳамда ФХДЁ органининг номи тўлиқ ёзилади;

Никоҳ бошқа давлатда қайд этилган бўлса, уни қайд этган органнинг номи ёзилади.

«b) otalikni belgilash to'g'risida ariza» бандида аризанинг рўйхатга олинган (кирим) тартиб рақами, куни, ойи ва йили рақам билан тўлдирилади;

«d) onaning arizasi» бандида ёлғиз она аризасининг рўйхатга олинган (кирим) рақами, куни, ойи, йили ва паспорт маълумотлари рақам билан тўлдирилади.

25. «21. Ariza bilan murojaat qilgan shaxsning F.I.O., manzili va imzosi (aloqadorligi)» устунда туғилганликни қайд эттириш учун мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили ариза муаллифининг овзаки кўрсатмасига асосан тўлиқ, қисқартиришларсиз ёзилади ва ариза муаллифи томонидан имзоланади.

Масалан: Rahmonov Aziz Rustamovich (bobosi), Samarqand viloyati, Jomboy tumani, S.Rahimov ko'chasi, 77-uy – имзо.

III боб. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг тўлдирилиши

26. 1 — 3-устунларда никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) асосида никоҳгача ва никоҳдан кейинги фамилияси, исми, отасининг исми қисқартиришларсиз кўрсатилади.

27. «Nikohdan keyingi familiyasi» қатори никоҳланувчиларнинг ўз хоҳишларига кўра никоҳга кириш ҳақидаги аризалари асосида тўлдирилади.

28. «5. Yoshi» устунига никоҳланувчиларнинг ёши никоҳ қайд этиладиган кун, ой ва йилга қараб белгиланган ҳолда тўлдирилади.

Агар никоҳ қайд этиладиган ой никоҳланувчиларнинг туғилган ойдан кейин бўлса (туғилган ой билан никоҳ белгиланган ой бир бўлса, кунига қараб белгиланади) уларнинг ёши қайд этиладиган йил билан туғилган йил ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

Агар никоҳ қайд этиладиган ой никоҳланувчиларнинг туғилган ойдан олдин бўлса, унда уларнинг ёши никоҳ қайд этиладиган йил билан туғилган йил ўртасидаги фарқдан бир йилга кам бўлади.

Масалан, 2007 йил 8 февралда никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзуви қайд этилди. Куёвнинг туғилган санаси 1978 йил 1 январь бўлса, 2007 – 1978 = 29 ёш. Келиннинг туғилган санаси 1986 йил 5 июнь бўлса, 2007 – 1986 – 1 = 20 ёш.

29. «11. Oilaviy ahvoli» устунда «nikohda bo'lmagan», «tul» ёхуд «ajrashgan» сўзларидан бирининг таги чизилади.

30. «12. Umumiy farzandlar to'g'risida ma'lumot» устунда никоҳланувчиларнинг умумий фарзанди бўлса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома асосида фарзандининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, туғилганлигини қайд этган ФХДЁ органининг номи, қайд этилган санаси, далолатнома ёзувининг рақами ёзилади.

Умумий фарзандлари икки ёки ундан ортик бўлган ҳолларда, улардан фақат бирининг маълумотлари кўрсатилиб, қолганларининг сони ёзилади.

Масалан: 3 та. Karimov Doniyor – 2005-yil 20-aprel Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tuman FHDYo bo'limi, 25.04.2005-yil, d/yo № 705.

Умумий фарзандлари бўлмаса «yo'q» деб ёзилади.

31. «13. Doimiy yashash joyi» устуни никоҳланувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади.

32. «14. Taqdim etilgan hujjatlar» устуни никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўйича тўлдирилади ва уларнинг серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги кўрсатилади.

33. 15-устун билан никоҳланувчилар таништирилади.

34. «16. Nikohga kiruvchilarning nikohgacha familiyasi va imzosi» устунида никоҳланувчиларнинг никоҳгача бўлган фамилиялари ёзилади ва никоҳланувчилар томонидан имзоланади.

35. «17. Guvohlarning familiyasi va imzosi» устуни никоҳланувчиларнинг истақларига биноан, гувоҳлар иштирокида никоҳ қайд этилганда гувоҳларнинг фамилиялари ёзилиб имзоланади.

36. «19. Belgilar uchun» устунда қуйидагилардан бири кўрсатилади: илгари никоҳда бўлган шахснинг аввалги никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома;

суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори;

никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори;

эр (хотин)нинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома.

Шунингдек, мазкур устунда никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар қайд этилган сана, далолатнома ёзувининг рақами ва қайси ФХДЁ органида рўйхатга олинганлиги кўрсатилади. Суднинг қонуний кучга кирган қарорининг санаси ва қайси суд томонидан чиқарилганлиги кўрсатилади.

IV боб. Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг тўлдирилиши

37. 1 — 3-устунларда никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ариза билан му-рожаат қилган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) асосида фамилияси, исми, отасининг исмлари қисқарти-ришларсиз кўрсатилади.

38. «Nikohdan ajralgandan keyingi familiyasi» қатори эр ёки хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиш тўғрисида никоҳдан ажра-лиш ҳақидаги аризасида кўрсатилиши бўйича тўлдирилади.

Суднинг 1998 йилнинг 1 сентябригача қонуний кучга кирган қарори бўйича никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақида эр ёки хотиндан бири ФХДЁ бўлимига муурожаат қилган пайтда ФХДЁ органига келмаган эр ёки хотин-нинг «Nikohdan ajralgandan keyingi familiyasi» қатори тўлдирилмайди.

39. «5. Yoshi» устунига никоҳдан ажралаётганларнинг ёши (никоҳдан ажралганлик қайд этилаётган кун, ой ва йилга қараб) ёзилади.

Агар никоҳдан ажралиш қайд этиладиган ой никоҳдан ажралувчилар-нинг туғилган ойдан кейин бўлса (туғилган ой билан никоҳдан ажрати-лиши белгиланган ой бир бўлса, кунига қараб белгиланади), уларнинг ёши қайд этиладиган йил билан туғилган йил ўртасидаги фаркка тенг бўлади.

Агар никоҳдан ажралганлик қайд этиладиган ой никоҳдан ажралувчи-ларнинг туғилган ойдан олдин бўлса, уларнинг ёши никоҳдан ажралиш қайд этиладиган йил билан туғилган йил ўртасидаги фарқдан бир йилга кам бўлади.

Масалан: 2006 йил 12 апрелда никоҳдан ажралганлик ҳақидаги дало-латнома ёзуви қайд этилди. Эрнинг туғилган вақти 1976 йил 18 фев-раль бўлса, 2006 – 1976 = 30 ёш. Хотиннинг туғилган вақти 1982 йил 15 август бўлса, 2006 – 1982 – 1 = 23 ёш.

40. «11. Nechanchi nikohi» устунига никоҳдан ажралувчиларнинг нечанчи никоҳи эканлигига қараб «birinchi», «ikkinchi», «uchinchi va undan ortiq» сўзларидан бирининг таги чизилади.

41. «12. Ajratilayotgan nikoh» устунига никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами, куни, оyi, йили рақам билан тўлдирилади. Никоҳ қайси ФХДЁ органида ва қаерда қайд этилганлиги тўлиқ ёзилади.

42. «13. Dalolatnoma yozuvi uchun asos» устунининг:

«a)» бандида эр-хотиннинг биргаликда берган аризаси, унинг берилган куни, ой, йили ва қирим рақами ёзилади;

«b)» бандида никоҳдан ажратиш тўғрисида қарор чиқарган суднинг тўлиқ номи, қарор чиққан кун, ой, йил ёзилади;

«d)» бандида фуқарони бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топган суднинг номи ва фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қарор чиққан кун, ой, йил ёзилади;

«е)» бандида фуқарони озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарган суднинг тўлиқ номи ва фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳукм чиққан кун, ой, йил ёзилади.

43. «14. 18 yoshga to'lmagan umumiy bolalari soni» устуни рақамларда тўлдирилади. Агар болалари бўлмаса, катакча ичига чизик тортилади ва «уо'қ» деб ёзилади.

44. «15. Undirilgan davlat boji summasi va to'langanligi to'g'risida belgi» устунда тўланган давлат божининг суммаси, тўлов қоғозининг (патта) рақами ва тўланган куни, ойи, йили кўрсатилади.

45. «16. Shaxsini tasdiqlovchi hujjatlar» устуни никоҳдан ажралувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (паспорт ёки ҳарбий гувоҳнома) асосида тўлдирилади.

46. «17. Ajraluvchilar imzosi» устуни ажралувчилар томонидан имзоланади.

V боб. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг тўлдирилиши

47. 1 — 3-устунларда марҳумнинг фамилияси, исми, отасининг исми қисқартиришларсиз ёзилади.

48. «4. Jinsi» устунидаги «erkak» ёки «ayol» ёхуд «nota'lum» сўзларидан бирининг тагига чизилади.

49. «5. Millati» устуни марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида тўлдирилади.

Агар шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, чизик тортилади. «Belgilar uchun» устунига «pasport topshirilmadi» деб ёзиб қўйилади.

50. «7. O'lgan vaqti» устунда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида марҳумнинг вафот этган санаси (кун, ой ва йил рақам билан) кўрсатилади.

51. «8. O'lgan joyi» устунда марҳум вафот этган жой номи тўлиқ ёзилади.

52. «9. O'limning sababi» устуни ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида тўлдирилади.

53. «10. Tug'ilgan sanasi va joyi» устуни марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва (ёки) ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида тўлдирилади. Бу устунда «davlat», «viloyat, shahar», «tuman, shahar», «shaharcha, qishloq, ovul» сўзларининг тагига тегишлигига қараб чизилади ва номлари тўлиқ ёзилади.

54. «11. Yashagan joyi (manzili) va shaxsini tasdiqlovchi ma'lumotlar» устунда вафот этган шахснинг яшаган жойи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги кўрсатилади, агар паспорт ФХДЁ органига тақдим этилмаган бўлса, бу банд тўлдирилмасдан, чизик тортилади.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда, ёзувлар ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида киритилади.

16 ёшга тўлмай вафот этганларга нисбатан ўлимни қайд этиш унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси асосида амалга оширилади, гувоҳноманинг серияси, рақами ва далолатнома ёзувининг рақами, қачон ва қайси ФХДЁ органи томонидан берилганлиги ёзилади.

«Yoshi» каттакчаларида марҳумнинг ёшини тўлдиришда марҳумнинг вафот этган оғи туғилган оғидан кейин бўлса, ёш тўлиқ ҳисобланади.

Масалан, вафот этган вақти 2006 йил 23 июль, туғилган вақти 1926 йил 10 май бўлса, ёши 2006 – 1926 = 80 ёш.

Агар марҳумнинг вафот этган оғи туғилган оғидан олдин бўлса, унда марҳумнинг ёши (бир хил оғларда — кун), вафот этган вақти билан туғилган вақтидаги фарқ 1 (бир) йилга кам бўлади.

Масалан, ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви 2006 йил 27 июнда тўлдириляётган ва марҳумнинг туғилган вақти 1937 йил 29 декабрь бўлса, 2006 – 1937 – 1 = 68 ёш.

Агар шахсни тасдиқловчи ҳужжатларда (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) туғилган кун ва оғи кўрсатилмай, фақат йил кўрсатилган бўлса, туғилган вақти бўлиб, шу йилнинг 1 июль куни ҳисобланади.

Агар вафот этган шахснинг туғилган куни, оғи ва йили номаълум бўлса ёки шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этишда тиббий муассасанинг хулосасида ёши ва туғилган жойи ҳақида маълумотлар бўлмаса 9-устунга «not a lum» деб ёзилади.

«Bir yoshgacha vafot etgan bola» каттакчаларига тирик туғилиб, бир ёшга қадар вафот этган болаларнинг ўлимига қадар неча оғи, кун яшагани рақам билан ёзилади.

«Nechanchi bolasi» каттакчаларида туғилган бола (вафот этган болалари ҳам ҳисобланади, ўлик туғилганлари ҳисобга кирмайди) нечанчи боласи эканлиги рақам билан кўрсатилади.

«Onaning yoshi» каттакчаларида ёш рақам билан тўлдирилади.

«Bir yoshgacha vafot etgan bola», «Nechanchi bolasi», «Onaning yoshi» каттакчалари 1 ёшгача вафот этган болаларга нисбатан тўлдирилади.

55. «12. Oilaviy ahvoli» устунда «nikohda bo'lmagan», «beva (tul)» ёхуд «ajrashgan» сўзларидан бирининг тагига чизилади.

56. «13. Ish joyi (qayerda va kim bo'lib ishlagan)» устунда вафот этган шахснинг иш жойи ва лавозими ёзилади.

57. «15. O'limni tasdiqlovchi hujjatlar» устунда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳноманинг рақами, берилган куни, оғи ва йили, ким томонидан (тиббиёт муассасасининг номи) берилганлиги тўлиқ ёзилади.

«a)» бандида ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома рақами ва берилган санаси рақам билан, шифокорнинг фамилияси, исми ва ота исми тўлиқ ёзилади.

Масалан: № 315, 10.02.2007-у., Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani 9-sonli oilaviy poliklinika, shifokor Olimova Salima Tursunovna.

«b)» бандида фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақида қарор чиқарган суднинг номи ёзилади ва санаси кўрсатилади.

Масалан, Toshkent shahar fuqarolik ishlari bo'yicha Mirzo Ulug'bek tumanlararo sudi, 13.03.2006-y.

58. «16. Ariza bilan murojaat etgan shaxsning F.I.O., manzili yoki o'lim haqida ariza bergan muassasaning nomi va manzili» устунида мурожаат этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (муассасанинг номи), яшаш манзили (жойлашган ери), қариндошлиги (алоқадорлиги) тўлиқ ёзилади.

59. «18. Qabristonga va sug'urta kassasiga topshirish uchun ma'lumotnomalarni olganlik to'g'risida belgi» устуни ўлим ҳақидаги гувоҳнома, қабристон ва суғурта кассасига топшириш учун маълумотномаларни олган шахс томонидан имзоланади.

60. «19. Belgilar uchun» устунига номаълум шахс ва шахси аниқланмаганларнинг ўлими қайд этилганда «murdaning shaxsi aniqlanmagan», «pasport» ёки «tug'ilganlik haqidagi guvohnoma topshirilmadi», туғилиб вафот этган ёки 1 ёшгача вафот этган болаларга «o'lim haqidagi guvohnoma berilmagan» деб белги қўйилади.

VI боб. Якуний қоидалар

61. Далолатнома ёзувлари тўлдирилгандан сўнг ариза билан мурожаат қилган шахс томонидан ўқиб чиқилади ва имзоланади.

62. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТЎРАЕВ

16 октябрь 2012 йил

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

16 октябрь 2012 йил

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

Б. ХОДИЕВ

16 октябрь 2012 йил

Халқ таълими вазири

Т. ШИРИНОВ

16 октябрь 2012 йил